

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**149** Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометра-  
жини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгар-  
тириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-2*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-модда-сига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги ПҚ–1910-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 4-сон, 44-модда) муво-фиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий бан-ки Бошқарувининг 2008 йил 10 мартдаги 2008-16, 300-В-сон қарори (рўйхат

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

рақами 1788, 2008 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 112-модда) билан тасдиқланган Накд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандидаги ««Қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш» бўлими (шўъбаси)га» сўзлари «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўйича бўлимига (шўъбасига)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 2 март,  
2013-9-сон

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 2 март,  
5/3-сон